



Алиф, Лом, Мим. Жуда якин жойда Рум маглуб бўлди. (Лекин) улар (яъни румликлар) бу маглубиятларидан сўнг бир неча йил ичида албатта, галаба килажаклар. Аввалу охир барча иш ёлгиз Аллохнинг (измида)дир. Ўша кунда мўминлар Аллох (румликларни) голиб килгани сабабли шодланурлар. Рум сураси, 1-4-оятлар

Бу ояти карималар насроний византияликларнинг Эронда хукм сурган сосонийлар билан бўлган жангдаги какшаткич маглубиятидан етти юз йил кейин, яъни милоддан кейинги тахминан 620 йилларда нозил бўлди. Византияликлар шу кадар огир талафот кўрдиларки, бутун Византия империясининг келажаги хавф остида колди. Аммо ушбу оятларда византияликларнинг бир неча йиллар ичида галаба козонишлари башорат килинган эди.

Бир пайтлар Византияга тегишли бўлган Месопотамия, Киликия, Сурия, Фаластин, Миср ва Арманистон ерлари бутпараст форслар томонидан эгаллаб олинган эди. Византия империясига тобе бир катор ўлкаларнинг хокимлари император Ираклийга карши ошкора исён кўтардилар. Душманлар империянинг тез кунларда шармандаларча яксон бўлишини орзикиб кута бошладилар. Бирок айти шу даврда Парвардигори Олам Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафога (соллаллоху алайхи васаллам) «Рум» сурасини нозил килиб, бу оятларда орадан тўккиз йил ўтмай, Византиянинг галаба козонишини ва ўзининг аввалги куч-кудратини тиклаб олишини билдирди. Бутпараст ва дахрийлар Византиянинг галаба козониши мутлако мумкин эмаслигини айтиб, хатто Куръони Карим оятлари устидан кула бошладилар.

Аммо бу оятлар, Куръони Каримдаги барча оятлар каби, Парвардигоримизнинг хикмати, айти хакикат эди. Рум сураси, биринчи оятлари нозил бўлган пайтдан етти йил ўтгач, милоднинг 627 йили декабрь ойида, император Ираклий ўзининг кам сонли кўшинлари билан Нинова дарвозаларига кескин хужум килиб, ўн икки минг кишилик сосонийлар кўшинини тор-мор килди. Византия кўшини форс армиясига какшаткич зарба берди, бир неча ойдан кейин сосонийлар ўзлари босиб олган ерларни Византияга кайтариб бериш тўғрисида битимга имзо чекишга мажбур бўлдилар.

Мазкур оятлардаги инсон акли бовар килмайдиган яна бир мўъжизалардан бири шуки, византияликларнинг форслар билан жанги бўлиб ўтадиган жойнинг аник географик ўрни хам айтиб ўтилганлигидир.

Рум сураси, учинчи оятида румликлар ернинг энг чуқур, энг паст жойида маглуб бўладилар, деб айтилган. Араб тилидаги «аднал-ард» ибораси кўп жойларда «жуда

якин ерда» деб таржима килинган. Аммо бу ибора араб тилидан тўғридан-тўғри эмас, балки кўчма маънода таржима килинган бўлиб, унинг асл маъносини англатмайди. «Адна» сўзи араб тилидаги паст, куйи маъносини англатувчи «даний» сўзининг кучайтирилган шакли бўлиб, «энг паст, энг куйи» деган маънони билдиради. «Ард» сўзи эса ер, ер сатхи деган маънони англатади. Бошқача килиб айтганда, «Аднал-ард» ибораси «Ернинг энг чуқур, паст жойи» деганидир. Асосан «жуда якин жойда» деб таржима килинганда мазкур ўлканинг Арабистон ерларига жуда якинлиги назарда тутилади.

Аммо ушбу сўз бирикмаси Куръони Карим нозил бўлган даврда ҳеч ким билиши мумкин бўлмаган муҳим бир географик далилга ишора қилади. Гап шундаки, геологлар Ер шарига энг чуқур пастлик нуктаси Лут кўли атрофида жойлашганлигини аниқладилар. Бу жой Сурия, Фаластин ҳамда Иордания ерлари кесишган жойдаги Ўлик денгиздир. Дарҳақиқат, византияликлар форслар билан худди мана шу кўл атрофида жанг қилганлар. Хозирги замон фанига маълум бўлишича, Лут кўли атрофидаги ер сатхи денгиз сатхидан 395 метр пастликда жойлашган бўлиб, Ер юзидаги энг паст жой хисобланар экан. Бу жойларнинг дунёдаги энг паст нукта эканлиги, яъни ояти қаримада айтилганидек, «аднал-ард» эканлиги йигирманчи асрда, мана шундай ўлчашларни амалга оширишга имкон берадиган замонавий аппаратлар ёрдамида аниқланди. Лут кўлининг Ер шарига энг паст, энг куйи нукта эканлиги еттинчи асрда бирор инсонга маълум бўлиши мумкинми? Бирок шунга қарамай, Куръони Каримда румликлар билан форслар жанг қилган жой айнан шундай, яъни энг куйи ва паст жой деб айтилган.

Бу эса Куръони Карим Аллох Таолонинг ягона, ўзгармас ва ҳақ қаломи эканлигига яна бир далилдир.